

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**94 «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1719-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 1-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сон «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 405-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 24 январь,  
2/6-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил  
24 январдаги 2/6-сонли қарорига  
ИЛОВА

**«Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи ва 1-бандидаги «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар «Микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

б) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда) қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Қоидаларда:

а) номидаги «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар «Микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 402-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон, 149-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар (кейинги ўринларда — нобанк кредит ташкилотлари) томонидан касса операцияларини амалга ошириш, нақд пулларни ва бойликларни сақлаш тартибини белгилайди.»;

в) 14-банднинг иккинчи хатбошисидан «, шунингдек жисмоний шахсларга депозитларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 1-иловада:

илова белгисидagi «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар «Микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7 (559)-сон**

**— 23 —**

**94-95-моддалар**

2.2-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 2.2.	Қарз маблағларини қайтариш ва улар бўйича фоизларни тўлаш			»;
--------	---	--	--	----

3-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 3.	Кредитлар, микроқарзлар ва қарз маблағлари бўйича мажбуриятларни бажариш учун кассадан амалга оширилган кунлик ўртача харажат (2.3-сатр/ташкilot иш кунлари сони)			»;
------	---	--	--	----

д) 2 ва 3-иловалар белгиларидаги «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар «Микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.